



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАР ҚОИДАЛАР, МЕЪЁРЛАР ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

---

**ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ,  
ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ САНИТАРИЯ  
ҚОИДАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ**

**ЎЗР СанҚвам № 0368-19**

**Расмий нашр**

**Тошкент – 2019 й.**



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАР ҚОИДАЛАР, МЕЪЁРЛАР ВА ГИГИЕНИК НОРМАТИВЛАРИ**

---

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари,  
Бош давлат санитария врачи  
2019 й. «15 июл »**

**ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ,  
ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ САНИТАРИЯ  
ҚОИДАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ**

**ЎЗР СанҚвам № 0368-19**

**Расмий нашр**

**Тошкент – 2019 й.**

## **ИШЛАБ ЧИҚҚАН МУАССАСА:**

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ (ЎзР ССВ СГКК ИТИ)
- Тошкент тиббиёт Академияси (ТТА)

## **ТУЗУВЧИЛАР:**

- Искандаров Т.И.**
  - Кучкарова М.Р.**
  - Искандарова Г.Т.**
  - Атаниязова Р.А.**
  - Миршина О.П.**
- ЎзР ССВ СГКК ИТИ да лаборатория мудири,  
ЎЗР ФА академиги, т.ф.д., профессор
  - ЎзР ССВ СГКК ИТИ да аҳоли яшаш жойи, турар жой  
ва жамоат биноларини планировка қилиш гигиенаси  
лабораторияси мудири, т.ф.н., кат.и.х..
  - ТТА да коммунал гигиена ва меҳнат гигиенаси  
кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
  - ЎзР ССВ СГКК ИТИ да катта илмий ходим, т.ф.н.
  - ЎзР ССВ коммунал гигиена бўйича бош мутахассис,  
т.ф.н.

## **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

- Романова Л.Х.**
  - Акрамов Д.А.**
- ЎзР ССВ СГКК ИТИ да катта илмий ходим, т.ф.н.
  - ТТА да коммунал гигиена ва меҳнат гигиенаси  
кафедраси катта ўқитувчи, т.ф.н.

Ушбу СанҚвам ЎзР ССВ СГКК ИТИ Илмий Кенгаши йиғилишида қўриб  
чиқилган ва маъқулланган (2019 йил 13 мартағи 3-сонли баённома.)

Ушбу СанҚвам ЎзР ССВ хузуридаги Инсон атрофидаги муҳитнинг  
салоҳиятли ножӯя омилларини гигиеник регламентлаш бўйича Кўмитаси  
йиғилишида қўриб чиқилган ва маъқулланган (2019 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_ сонли баённома)

Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлиги томонидан хуқуқий экспертиза  
үтказилди (2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ сонли хати)

Ушбу санитар қоидалар ва меъёрлар мавжуд бўлган жамоат  
ҳожатхоналарини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, янгидан қуриш,  
реконструкция қилиш (техник томондан қайта қуроллантириш) ва фойдаланиш  
 билан шуғулланадиган, мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда юридик ва  
жисмоний шахслар, шунингдек давлат санитар назоратини амалга ошираётган  
Давлат санэпидназорат Марказлари санитар врачлари учун.

Ушбу санитар қоидалар ва меъёрлар кучга кириши муносабати билан  
амалдаги 2004 йил 22 декабрдаги 0151-04 сонли СанҚвам бекор қилинади.

**(C) - Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги  
санитария, гигиена ва касб касалликлари Илмий тадқиқот институти**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДАН КЎЧИРМА**

- 1.** «Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (26.08.2015 йилдаги 393 сонли ЎРҚ);
- 2.** «Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1996 й., 3, 13, 34 - моддалар);
- 3.** «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилинганлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1991 й.);
- 4.** «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилинганлиги тўғрисида» «Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни (2008 й.);
- 5.** «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1996 й., 4, 11, 21, 22 - моддалар);
- 6.** «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2009 й., 8, 40, 41 моддалар).

## **1. КИРИШ**

Санитария ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Раҳбарияти билан келишилган ҳолда (Женева: БССТ; 2019, <http://apps.who.int/iris/>) **санитария** бу инсон пешоби ва нажасини хавфсиз бартараф қилиш учун техник воситаларни, иншоотларни ва хизматларни тақдим қилиш билан белгиланади. Санитариянинг хавфсиз тизимлари инсон ҳуқуқларига риоя қилиш талабларига мос келадиган ҳожатхоналар билан таъминлаб бериши, инсон экскрементларидан изоляция қлишни ва тозалашни кафолатлаб бериши, шунингдек мос келадиган меъёр ва қоидаларга риоя қилиш учун шароитларни ва асосий хизматларни тақдим қилиб бериши керак.

2011 йилда 17 та миллий ҳожатхоналар ассоциациясини тақдим қиладиган Осиё, Европа ва Шимолий Америкадан келган 200 дан ортиқ вакиллар ҳожатхоналар муаммосига бағишлиланган, энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳожатхона ишини ривожланишини янги концепцияларини кўриб чиқиш учун Сингапурда бўлиб ўтган халқаро анжумандада учрашишди. Учрашув натижаси бўлиб Бутун жаҳон ҳожатхона ташкилотини тасдиқланганлиги бўлди (World Toilet Organization). Шундай қилиб ушбу ташкилот 19 ноябрь кунини тантанали равишда касбий байрам, яъни – Бутун Жаҳон ҳожатхоналар куни деб эълон қилди.

2013 йилнинг 24 июлида БМТ ниниг Бош Ассамблеяси ҳам 19 ноябрь кунини тантанали равишда Бутун Жаҳон ҳожатхоналар куни деб эълон қилди. Ушбу санитар қоида ва меъёрлар «Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ги Конуни ва «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган».

Ушбу санитар қоидалар ва меъёрлар мавжуд бўлган жамоат ҳожатхоналарини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, янгидан қуриш, реконструкция қилиш (техник томондан қайта қуроллантириш) ва фойдаланиш билан шуғулланадиган, мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат санитар назоратини амалга ошираётган Давлат санэпидназорат Марказлари санитар врачлари учун мўлжалланган.

## **2 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

2.1. Ҳожатхона (фр. toilettes), халажой, клозет (инглиз. closet - қазноқ) –табиий эҳтиёжларни пешоб чиқаришни, дефекацияни ва антиперистальтикани қондириш учун фойдаланиладиган хона.

2.2. Ҳожатхонада унитаз ва бошқа санитар-техник мосламалар жойлашган, масалан раковина ва биде (таҳорат оладиган, ювиниш мосламаси).

2.3. Қоида бўйича, замонавий ҳожатхоналар канализация тизимига уланган ёки биологик парчаланиш йўли билан чиқиндиларга қайта ишлов қилишга мўлжалланган идишлар мавжуд. Шунингдек, кўчма ҳожатхона кабиналари ҳам мавжуд, яъни шу қаторда «биоҳожатхоналар».

2.4. Ҳожатхоналар турли хил белгилар бўйича фарқланади.

**2.4.1. Мобиллик ( транспортировка қилиш имконияти / канализация тизимиға боғланғанлиғи):**

- Стационар ҳожатхона;
- Ҳожатхона кабинкаси («биоҳожатхоналар»);

- Палатка (сафарда ишлатыладиган ҳожатхона). Хоҳиш бүйича ҳожатхона-палаткани душ қабул қиласынан қабылданған кабина сифатида, шунингдек қишки (муз остида) балиқ овлашда ёғингарчиликдан яширинишда ишлатыш мүмкін.

**2.4.2. Навбат билан ишлатыш:**

- кетма-кет (турли жинсга мансуб фойдаланувчилар учун ажратыш инобатта олинмаган, эркак ва аёллар навбати билан ҳожатхоналардан фойдаланиши мүмкін), хусусий ер әгалигіда, транспорт воситаларида (узокға кетадиган поездлар, самолёттарда) жойлаштирилади;

- параллель (аёллар ва эркаклар ҳожатхоналарига ажратыш) – жамоат жойларда ўрнатылади: муассасаларда (кафе, ресторанларда, вокзалларда ва аэропортларда, музейларда), транспорт воситаларида.

**2.4.3. Фойдаланувчилар сони:**

- жамоат – оммавий ҳожатхоналари, келувчиларни катта сонига ва ялпи фойдаланишга мүлжалланган.;

- шахсий, хусусий, ихтиёрий (ўзиники): хонадонларда, уйларда, уларни олдида жойлашган бўлиб, маълум бир инсонларни катта бўлмаган сонига нисбатан фойдаланишига мүлжалланган,

**2.4.4. Нажасларни йўқ қилиш усуслари:**

- канализацион;
- кимёвий;
- биоҳожатхонали;
- гравитацион;
- табиий (қишлоқ ҳожатхонаси);

Канализацияли ҳожатхоналар тўплаб оладиган ускунасини турига қараб ҳам фарқланади:

- тўплаб оладиган ворнкали ҳожатхона (барчага маълум бўлган унитаз каби);
- турк типидаги ҳожатхона ( масалан, «товоронли» -«Генуя косачаси» типи бўйича ён томонларида оёқ қўйиш учун очик майдончаси мавжуд).

**2.5. Ишлаб турган жамоат ҳожатхоналарини янада кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник томондан қайта қуроллантириш, янгиларини ўрнатиши, лойиҳалаштириш ва қуриш тасдиқланган лойиҳа материалларига мувофиқ ҳамда лойиҳалаштирилишдаги топшириқларга мувофиқ амалга оширилади (1 - илова).**

**2.6. Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, муассасалар мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда ва алоҳида шахслар ушбу давлат меъёрий хужжатларини гигиеник талабларига риоя қилишлари шарт.**

**2.7. Ҳожатхоналарга қатновчиларни ҳисоблаб чиққанда I очкога I та унитаз деб қабул қилинади ёки 2 та писсуар ёки 1 та унитаз+1 та писсуар.**

Шаҳарларда жамоат ҳожатхоналарини хизмат кўрсатиши радиуси 700 – 1000 м дан ошмаслиги керак, халқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари бўйида ҳар 50 км ҳисобида олинади.

2.8. Лойиҳалаштириш топшириғидаги ҳожатхоналар санитар-гигиеник узеллар таркибига киритилади, шунингдек уларда ҳожатхоналардан ташқари душ қабул қилиш кабинкалари, кийим алмаштириш, она ва бола хоналари ва бошқа хоналар ҳам жойлаштирилиши мумкин.

### **3. ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРИНИ ҚУРИШ УЧУН МАЙДОН ТАНЛАШГА БЎЛГАН САНИТАР ТАЛАБЛАР**

3.1. Жамоат ҳожатхоналарни янгисини қуриш ва мавжуд бўлганларини кенгайтириш (қайта қуриш) учун ажратилган ер участкалари иқлим шароитларини, ушбу жойларни рельефини, сув ости ерларини қанча баландликда жойлашганлигини, табиий аэрацияни, санитар-химоя ҳудудларини ташкил қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.

3.2. Жамоат ҳожатхоналар (биоҳожатхоналар) аҳоли пунктларини қўйида кўрсатилган жойларида қурилиши керак:

3.2.1. Майдонларда, транспорт магистралларида, катта пиёдалар ҳаракат қиласидиган кўчаларда автострадаларда, сайёхлик йўналишларида, автомашина йўлларини йирик чорраҳаларида ва йўл бўйидаги инфраструктураларда.

3.2.2. Вокзалларга, темир йўл станцияларига, автостанцияларга, аэропортларга, маданий-кўнгил очар в спорт билан шуғулланадиган жойларга туташ бўлган ҳудудларда. Ҳожатхоналарни тахминий сиғими - I очко 500 нафар инсон учун.

3.2.3. Рекреация жойларида, шаҳардан ташқари ва шаҳар ичи истироҳат боғларида, скверларда ва катта ҳиёбонларда, оммавий дам олиш жойларида ва қўриқланадиган табиат ҳудудларида (боғларда, ўрмонли майдонларда ва бошқалар).

3.2.4. Савдо марказлари, деҳқон бозорлари, кўнгил очар марказлари ва бозорлар ҳудудида.

3.2.5. Ярмаркалар, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказадиган жойларда.

3.2.6. Стадионларда, пляжларда, сув, спорт иншоотларида, сузиш ҳовузларида, шунга ўхшайдиган типдаги бошқа обьектларда.

3.2.7. На обьектах культурно-массового назначения – выставках, театрах, кинотеатрах, домах культуры, библиотеках и галереях.

3.2.8. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш жойларида, маънавий-диний, маданий мерос обьектларида, сайёхлик йўналиши обьектларига яқин жойларда.

3.2.9. Барча типдаги ёнилғи қувиш станцияларида, умумий овқатланиш, майиший хизмат кўрсатиш обьектларида, дўконларда, 25 та машина учун жойга эга бўлган автомобиль тўхтайдиган жойларда.

3.2.10. Жамоат ҳожатхоналарини таълим муассасаларида, соғлиқни сақлаш ташкилотларида жойлаштиришга **руксат берилмайди!**

#### **4. ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР**

4.1. Жамоат ҳожатхоналарини жойлашган жойи ва уларга ёндашув қундуз куни ва кечқуунги вақтда ҳам билиниб турадиган махсус қўрсаткич билан белгиланиши керак. Жамоат ҳожатхоналарини қўйидагича жойлаштириш мумкин:

- жамоат биноларини биринчи қаватида;
- алоҳида турган иншоотларда, ер устида ёки ер остида;
- харакатланадиган автофургонларда;
- кўчма (мобил) кабинкаларда.

4.2. Жамоат ҳожатхоналари атрофидаги ҳудуд юзаки сувларни оқиб кетиши учун қияроқ қилиниб асфальтланган ва кўкаlamзорлаштирилган бўлиши керак. Маъкул бўлса вертикал кўкаlamзорлаштирилган бўлиши керак.

4.3. Алоҳида турган **канализацияли ҳожатхоналарга** санитар-химояловчи ёрилишлар меъёрланмаган.

4.4. Алоҳида турган канализацияси мавжуд бўлмаган ҳожатхоналар: септикали (ўра), биоҳожатхоналар, жамоат септикали (ўралар):

- турар жой деразаларидан;
- таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилоти, савдо ва умумий овқатланиш объектларидан;
- жисмоний-соғломлаштириш иншоотларидан ва болалар ўйнайдиган ва аҳоли дам оладиган майдонлардан 20 метрдан кам бўлмаган масофага олиб ташланиши керак.

#### **5. ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРИНИ САНИТАР-ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАРИГА ВА САНИТАР-ТЕХНИК АСБОБЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР**

5.1. Аҳоли пунктларини канализация мавжуд ҳудудларида жамоат ҳожатхоналари КМК 2.04.01-98 «Ички водопровод ва бинолар канализацияси», КМК 2.04.03-97 «Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар», КМК 2.08.02-96 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» ни талабларига мувофиқ умумий канализацион тармоққа бирлаштирилиши керак.

5.2. Аҳоли пунктларини канализация мавжуд бўлмаган ҳудудларида биоҳожатхоналар, септикли (ўрали) ёки септиклар (ўралар) бўлган жамоат ҳожатхоналари қурилиши керак.

**5.2.1. Биоҳожатхоналар, септикли (ўрали) ёки септиклар (ўралар) бўлган жамоат ҳожатхоналари қўйидаги санитар гигиеник талабларга мувофиқ бўлиши керак:**

- туташ ҳудудга эга бўлган қулай кириш эшиги;
- уларни тўлиб кетишига йўл қўймасдан ўз вақтида тозалаш керак;
- жамоат ҳожатхонасидаги септикни (ўрани) юзаси ҳаво ҳарорати +5°C да ва ундан юқори бўлганда ҳар куни ҳашаротларни личинкасига қарши воситалар билан ишлов берилиши керак;

- шунингдек, бошқа техник меъёрий-хуқуқий далолатномалар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

5.3. Аҳоли пунктларини канализация мавжуд бўлмаган ҳудудларида ўрали типдаги алоҳида турган ҳожатхоналарни ёки водопровод қурилмалари мавжуд бўлмаган ўрали ҳожатхоналарни КМК 2.04.01-98 «Ички водопровод ва биноларни канализацияси», КМК 2.04.03-97 «Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар», КМК 2.08.02-96 «Жамоат бинолари ва иншоотлар» ни талабларига мувофиқ жиҳозлашга рухсат берилади.

5.4. Қишлоқ аҳоли пунктларида ҳожатхоналар ўтказмайдиган ўралар билан қурилиши керак. Канализация мавжуд бўлмаган жамоат ҳожатхоналарини люфт-клозет кўринишида қуришга рухсат берилади.

5.5 Кўчма ҳожатхоналар ва қўчириладиган кабинкалар водопровод ва канализация тармоғига уланишни имкони бўлган жойларда ўрнатилиши мумкин.

5.6. Жамоат ҳожатхоналарини эркаклар бўлимида писсуарларни ((пешоб оқиб кетадиган чаноқ) индивидуал деворга ёки полга ўрнатилиши кўзда тутилиши керак. Вокзаллар, стадионлар, кўп инсонлар тўпланадиган биноларда, бозорларда, томоша кўрсатувчи муассасаларда жойлашган ҳожатхоналарда лотокли писсуарлар, полга ўрнатилган унитазлар ёки полга ўрнатилган идишларни қўллашга рухсат берилади.

5.7. Очколар сони иловага мувофиқ қабул қилиниши керак. Эркаклар ва аёллар нисбати 1:1 деб қабул қилиниши керак, агарда ушбу нисбат маҳаллий демографик фарқлар билан юзага келмаса.

5.8. Люфт-клозетларда чўянли сирланган воронкали қурилмадан фойдаланишга рухсат берилади. Унитаз ва чўянли воронкалар ўринидиги (пластмассадан қилингани маъқул) олдинги қисмида ўйифи ва юқорига кўтариладиган бўлиши керак.

5.9. Ҳожатхоналар шлюзида иссиқ сув (марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлган холда) ва совуқ сув етказиб берадиган ювиниш раковиналари ва электр сочиқлар ўрнатилиши керак. Санитар ускуналар ўрнатиладиги баландлик КМК 3.05.01-97 «Ички санитар-техник тизимлар» га мувофиқ қабул қилинади

5.10. Жамоат ҳожатхоналари уларнинг қандай жойлашганлигига қараб, КМК 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик» га мувофиқ табиий ва сунъий ёритгичларга эга бўлиши керак. Алоҳида хоналарда жойлашган ҳожатхоналарда ёруғлик коэффициенти (ЁК) 0,8 дан кам бўлмаслиги керак. Сунъий ёруғлик санитар ускуналар жойлашган жойда 35 люксдан кам бўлмаган ёруғлкни таъминлаб бериши керак.

5.11. Жамоат ҳожатхоналари КМК 2.04.05-97 «Истиш, вентиляция ва кондиционирлаш» га мувофиқ вентиляциялар билан жиҳозланиши керак.

5.11.1. Уларни жамоат бинолари габаритида ўрнатилганда вентиляция ҳаво оқимни тортиб олувчи, асосий бинони вентиляция тизимига уланмаган бўлиши керак. Ҳаво оқимни тортиб олувчи вентиляция билан келиб-кетувчиларни катта қисмига хизмат кўрсатадиган жамоат ҳожатхоналари жиҳозланиши керак.

5.11.2. Жамоат биноларида жамоат ҳожатхоналарини ўрнатишида жамоат ҳожатхоналарини вентиляцияси билан жамоат биноларини вентиляция тизимини бирлаштиришга **йўл қўйилмайди**.

Фуқароларни оммавий ташриф буюрадиган жойларида ва ҳавони йиғувчи ускуналар ўрнатилган жойларда ҳавони вентиляция ва кондиционирлаш тизимларида жамоат ҳожатхоналарини вентиляциясини чиқариб ташлайдиган дарчаларни ўрнатилишига **йўл қўйилмайди**.

5.11.3 Бошқа барча ҳожатхоналарда ҳавони тортиб оловчи вентиляцион қурилмаларни бўлиши шарт. Тортиб оловчи вентиляция беш маротабадан кам бўлмаган ҳолда, ҳаво оқимини – 2,5 маротабадан кам бўлмагандага ҳавони алмаштиришни таъминлаши керак.

5.12. Люфт-клозет типидаги жамоат ҳожатхоналарида иссиқ ёки механик қўзғатувчига эга бўлган вентиляцион канални ўрнатилиши зарур.

5.13. Люфт-клозет ўралари тупроқга ўтмасликни таъминлаши керак. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бетондан, цементдан, ғиштдан, ёғоч-тахтадан ва қалинлиги 0,5 метрдан кам бўлмаган яхшилаб зичланган тупроқ қатламли прокладкаларни кўллаш тавсия қилинади. Ғиштли ўралар ичкари томондан сувалган бўлиши керак. Ёғочли қисмлари яхшилаб смола билан ишлов берилган бўлиши керак. Ўрани тозалаш учун люклар зич бўлган иккитали қопқоқларга эга бўлишлари керак.

5.14. Жамоат ҳожатхоналари ногиронлиги бор шахслар учун маҳсус кабиналарга ва санитар-техник ускуналарга эга бўлиши керак.

5.15. Жамоат ҳожатхоналарида мажбурий тартибда болалар ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун кабиналар ва санитар-техник ускуналарни бўлиши кўзда тутилиши керак.

5.15.1. Курси-аравачаларда, ёрдамчи воситалар ёки мосламалар ёрдамида ҳаракат қиласидиган ногиронлиги бор шахслар учун мўлжалланган кабиналарда тутқичларни, штангаларни, осма трапецияларни ўрнатилишини кўзда тутиш керак.

5.15.2. Ногиронлиги бор шахслар учун мўлжалланган стационар жиҳозларни барча элементлари мустаҳкам ва ишончли қилиб маҳкамланган бўлиши керак.

5.15.3. Умумий фойдаланиш ҳожатхоналарида ногиронлиги бор шахслар учун кабиналарга қўнғироқ тугмаларини ўрнатилишини кўзда тутиш керак, яъни ундан унитазда ўтирган ҳолда ёки эшик олдида туриб фойдаланиш мумкин.

Электр қўнғироқ ёки хабардор қилгич ҳожатхонани ўзида навбатчи хонада ўрнатилиши керак. Ушбу электр қўнғироқ ёки хабардор қилгич ногиронлиги бор шахсларга зарурият бўлиб қолганда ўз вақтида ёрдам бериш имконини беради (ногиронларни аравачадан бехосдан йиқилиб тушиш эҳтимолида, ногиронлиги бор шахсдан аравани унинг қўли етмайдиган жойга сурилиб кетиб қолишида ва бошқа вазиятларда).

5.15.4. Ногиронлиги бор шахслар учун маҳсус жиҳозланган ҳожатхона кабиналар, душ қабул қилиш хоналари халқаро намунада ўрнатилган ишоралар билан белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Раковиналар 1,3 м дан кам бўлмаган баландликда ўрнатилиши керак.

Санитар-гигиена кабиналари ва ногиронлар учун хоналарни эшиклари ташқари томонга очилиши керак.

## **6. ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРНИ ҚУРИЛИШИГА БҮЛГАН САНИТАР ТАЛАБЛАР**

6.1. Аҳоли пунктларида жамоат ҳожатхоналари қўйида кўрсатилган хоналар тўпламига эга бўлиши керак:

- тамбур (даҳлиз);
- ювинадиган раковинали ва электр сочиқли шлюзлар;
- эшиклари ёпиладиган индивидуал кабиналар учун хона (кабинкалар ўтасидаги тўсиқ 1,25 метрдан кам бўлмаган тўсиқга эга бўлиши керак);
- писсуарлар учун хона (эркакларни жамоат ҳожатхонасида);
- биде учун хона (аёлларни жамоат ҳожатхонасида);
- хизмат-маиший хонаси
- тозалаш инвентарларни сақлаш учун хона.

6.2. Санитар-техник ускуналар билан жиҳозланган жамоат ҳожатхоналарини хоналар майдони қўйида келтирилган тавсиялардан келиб чиқсан ҳолда қабул қилиниши керак:

6.2.1. Ҳар бир унитаз ёки очкога  $2,75 \text{ m}^2$  майдондан.

6.2.2. Ҳар бир писсуар (пешоб оқиб кетадиган чаноқ) ёки ҳар бир  $0,75 \text{ m}$  узунликка эга лотокка  $1,5 \text{ m}^2$  дан кам бўлмаган майдон.

6.2.3. Алоҳида турган иншоотлар хоналарини баландлиги  $2,8 \text{ m}$  дан кам бўлмаган, ер ости ва ер устида қурилган ҳожатхоналарда  $3,2 \text{ m}$  дан бўлмаган майдон.

6.2.4. Жамоат бинолари габаритларида ҳожатхоналарни қуришда уларни баландлиги асосий хоналарни баландлиги билан тенг бўлиши керак.

6.3. Ҳожатхоналарни девори, шифти ва поллари сув-, газ- ва товуш ўтказмайдиган бўлиши керак.

6.3.1. Ҳожатхоналарни деворлари сиртини керамик плита ёки кафель билан қоплашни, деворларни  $0,8 \text{ m}$  метрдан кам бўлмаган баландлигигача ёғли бўёқ билан бўяшни ва бошқа сув ўтказмайдиган қопламалар ёки ювиш ва дезинфекция қилиш мумкин бўлган, намга бардошли материаллар билан қоплаш тавсия қилинади.

6.3.2. Жамоат ҳожатхоналарида полни сиртини плиталар билан, мармар увоғи билан қоплашга рухсат берилади. Пол зина томонга қиялантирилган бўлиши керак. Зиналарни қуйидагича ўрнатиш керак:

- меҳмонхона номерларида, санаторийларда, кемпингларда, сайёхлик базаларда, жамоат бинолари ҳожатхоналарини санузел полларида  $50 \text{ mm}$  ли диаметрда;

- $100 \text{ mm}$  ли диаметрда – 3 та ва ундан отиқ писсуари бўлган эркаклар ҳожатхонасида ва учта ва ундан ортиқ унитазларга эга бўлган жамоат ҳожатхоналарида.

6.4. Ҳожатхоналарга кириш умумий фойдаланиладиган бошқа хоналарни кириш йўлидан алоҳида ажратилган бўлиши керак.

## **7. ЖАМОАТ ҲОЖАТХОНАЛАРНИ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР**

7.1. Жамоат ҳожатхоналарида санитар ҳолатни маҳсус хизмат кўрсатадиган ходим таъминлаб беради.

7.2. Хизмат кўрсатувчи ходим тозаловчи инвентарь, юувучи ва дезинфекцияловчи воситалар, маҳсус кийим, пойабзal ва резина қўлқоплар билан таъминланган бўлиши керак.

7.3. Жамоат ҳожатхоналарини тозаловчи инвентарлар маҳсус хоналарда ёки шкафларда сақланиши керак ва шунга мувофиқ нима мақсадда ишлатилиши тўғрисида ёзувга эга бўлиши керак.

7.4. Жамоат ҳожатхоналари совун, ҳожатхона қоғози, электр сочиқ ва қоғоз сочиқлар (салфеткалар билан), ахлат йигадиган идишлар билан таъминланиши керак.

7.5. Кабинкаларда устки кийим учун илмоқлар, келувчиларни шахсий буюмлари учун токчалар, қоғоз, пахта ва бошқа чиқиндилар учун ахлатдонлар ёки бачоклар бўлиши керак.

7.6. Биоҳожатхоналарни тозалаш доимий ўтказилиши керак (соат бўйича) ва маҳсус тозалаш жадвалига қайд қилиб борилиши лозим (жадвал намунаси илова қилинган).

7.7. Ҳожатхоналарни тозалаш ахлатларни олиб чиқиш ва заруриятга қараб сарф қилинган материалларни ўрнига қўйиб қўйишдан бошланади: ҳожатхона қоғози, қоғоз сочиқлар, суюқ совунлар, ҳавони автоматик равишда янгилатиб берадиган аэрозолли баллончалар ва бошқалар.

Шунингдек, вертикал ва горизонтал юзаларни тозалаш ва дезинфекциясини ўтказиш керак: деворлар, эшиклар, кўзгулар, шкафлар, токчалар, деразаларни, шундан сўнг санитар техникани дезинфекцияли тозалашни амалга ошириш керак. Полни ювиш охирги навбатда ўтказилади, яъни санузелни тозалаш бўйича бошқа ишлар тугагандан кейин, шундан сўнг тозалаш жадвалига албатта қайд қиниши керак.

Ҳожатхоналарни тозалаш жадвалини ҳаммага кўринарли, қулай бўлган жойга осиб қўйиш керак.

Жамоат муассасаларида санузелларни лойиҳалаштиришда ва сантехника асбобларини мақбул сонини ҳисоблаб чиқишида лойиҳалаштирилаётган объектни типи доимо ҳисобга олинади.

Кўйида турли мақсадлар учун мўлжалланган жамоат биноларида санитар-техник жиҳозларни ўрнатиш бўйича меъёрлар келтирилган.

**1. Спортзаллар, жисмоний-согломлаштириши мажмуалари ва усти ёпиқ муз учши майдонлари.**

**А) шуғулланувчилар учун ечишиш хоналарида:**

- аёлларникида – 1 та унитаз 30 та кийимини алмештирадиган жой учун, биттадан кам эмас.
- эркакларникида – 1 та писсуар 45 та кийимини алмештирадиган жой учун ва 1 та унитаз 135 та та кийимини алмештирадиган жой учун, биттадан кам эмас.

**Б) муррабийлар, инструкторлар ва бошқа ходимлар учун:**

- 1 та унитаз бир вақтни ўзида ишлайдиган 15 нафар аёл учун, биттадан кам бўлмаган.
- 1 та писсуар бир вақтни ўзида ишлаётган 20 нафар эркаклар учун ва 1 та унитаз бир вақтни ўзида ишлаётган 60 нафар эркаклар учун, биттадан кам бўлмаган.

Агарда икки жинсга мансуб бўлган 20 нафардан кам бўлмаган киши ишлаётган бўлса, у ҳолда 1 та унитазли санузел ташкил қилинади.

**В) томошабинлар учун:**

- аёллар ҳожатхонасида – 1 та унитаз 40 нафар киши учун;
- эркаклар ҳожатхонасида – 1 та писсуар 66 ва 1 та унитаз на 330 нафар киши учун.

Битта хонада сантехника жиҳозлари ҳаммаси бўлиб 40 тадан ошмаслиги керак.

Аёллар учун 3 та унитаз учун 1 та бет-қўл ювгич (умывальник), эркакларникида – 1 та бет-қўл ювгич (умывальник) 8 та жиҳоз учун.

Жамоат санузелларида қўйида кўрсатилганларни мавжудлигини кўзда тутиш керак:

- Чуқурлиги 1,8 метрдан кам бўлмаган ва кенглиги 1,65 метрдан кам бўлмаган аравада юрадиган ногиронлар учун энг камида 1 та кабина.
- Қўлтиқтаёқлар ёки шунга ўхшаш мосламалар ёрдамида ҳаракат қилаётган ногиронлар учун ён томонларида деворга ўрнатилган тутқичлари мавжуд энг камида битта кабина.
- 2 томонида вертикал ўрнатилган тутқичлари мавжуд, 0,4 метр баландликда маҳкамланган энг камида 1 та писсуар.
- Ён томон деворлардан 0,2 м ва полдан 0,8 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган энг камида 1 та раковина.
- **Санузеллар майдонини тахминий ҳисоблаб чиқиши** (ҳажм 300 кишига мўлжалланган):
  - Узунлиги 3,45 м
  - Кенглиги 5,50 м 6 очкода

- Кабина чүкрлиги 1,50 м
- Кенглиги 1,10 м
- Эшикни кенглиги 0,70 м
- Эшикни баландлиги 1,9 – 2 м.
- Иккита бет-құл ювгич.  
Эркакларники ҳам худди шундай.

Эркак-ишибозлар сони томошабин жойларини умумий сонидан 60% деб аниқланади, футбол учун залларда ва хоккей учун яхлатилған майдонларда – 70% деб аниқланади. Аёл томошабинлар сони ҳар қандай ҳолатда ҳам 40% га тенг деб олинади.

## ***2. Магазинлар ва савдо марказлари***

Харидорлар учун ҳожатхоналар қуидаги лойиҳалаштирилади:

- Махсус ва озиқ-овқат сотуви билан шуғулланмайдиган магазинларда - 600 м<sup>2</sup> савдо майдонига 1 та сантехник жиҳоз ҳисобида, лекин 2 та жиҳоздан кам эмас.
- Озиқ-овқат магазинларыда – 400 м<sup>2</sup> га 1 та жиҳоз, лекин 2 та жиҳоздан кам эмас.

Савдо мажмуаларыда барча магазинларни умумий савдо майдонларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиши амалга оширилади. Ҳожатхоналар турли қавтларда жойланиши мүмкін.

Ҳожатхоналарда мавжуд бўлиши керак:

- Чуқурлиги 1,8 метрдан кам бўлмаган ва кенглиги 1,65 метрдан кам бўлмаган аравада юрадиган ногиронлар учун 1 та кабина.
- Кўлтиқтаёклар ёки шунга ўхшаш мосламалар ёрдамида ҳаракат қилаётган ногиронлар учун ён томонларидан деворга ўрнатилған тутқичлари мавжуд битта кабина.
- 2 томонида вертикал ўрнатилған тутқичлари мавжуд, 0,4 метр баландликда маҳкамланган 1 та писсуар.
- Ён томон деворлардан 0,2 м ва полдан 0,8 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган 1 та раковина.

## ***3. Кўнгил очар мажмуалар***

Кўнгил очар мажмуаларда сантехника ускуналар сони ўтирадиган жойлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Жиҳозлар номи	Ўтирадиган жой сонларига қараб жиҳозларни мавжудлиги			
	1600-1200	800	600-400	300-200
Эркаклар санузелидаги унитазлар	3	2	1	1
Аёллар санузелидаги унитазлар	4	3	2	1
Эркаклар санузелидаги писсуарлар	3	2	2	1

Эркаклар ва аёллар санузелдаги бет-күл ювгичлар (умывальниклар)	2	1	1	1
---	---	---	---	---

#### **4. Жамоа ва индивидуал жойлаштирув воситалари (мәхмөнхоналар, курортли мәхмөнхоналар, кемпингилар, дам олии базалари, сайёхлик базалари, рекреацион марказлар, хостеллар ва бошқалар)**

Жойлаштирув воситалари бор номерларда санузеллар мавжуд бўлмагандан, умумий фойдаланадиган ҳожатхоналар жиҳозланиши керак (ҳожатхоналари мавжуд бўлмаган номерларда яшовчилар учун битта унитаз 20 нафар киши ҳисобида, ҳар бир қавтда иккитадан кам бўлмаслиги керак).

Умумий фойдаланиладиган ҳожатхоналар қўйидаги жиҳозланиши керак:

Ҳожатхона кабиналари, кўзгули бет-күл ювгич, пардоз столи, электророзетка, ҳожатхона қоғози, суюқ совунли диспенсер, пахмоқ ёки қоғозли сочиқлар (ёки электр сочиқлар), кийим-кечак учун илмоқлар, ахлат учун сават.

#### **5. Мәхмөнхоналар**

Мәхмөнхоналарда жамоат санузеллари биринчи қаватда алоҳида умумий йўлакларда ёки холларда мустақил кириш эшиклари мавжуд хоналарда, шунингдек ресторанга киришдан олдинги жойларда жойлаштирилади.

Санитар-техник асбоб-ускуналар сони мәхмөнхонани тоифасига боғлиқ.

Номерларда санузелга эга бўлмаган мәхмөнхоналарда санитар-техник асбоб-ускуналар сонини хизмат кўрсатаётган ходимни ҳисобга олган ҳолда ҳамда номерлардаги жойлар сони йиғиндисидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади:

- эркакларники: 18 нафар кишига битта унитаз ва писсуар (пешоб оқиб кетадиган чаноқ);
- аёлларники: 12 нафар инсонга битта унитаз ҳисобида;

#### **6. Жойлаширишни коллектив воситаларига ва унда кўрсатиладиган хизматлар учун қўшимча талаблар.**

Жойлаширишни коллектив воситаларига қўйидаги қўшимча талаблар тақдим килинади:

- ёритиб турадиган ва ёритгичларни осиб қўйиш;
- аварияга оид ёритгич (аккумуляторлар, фонарлар);
- лифтни сутка мобайнида ишлаши (мавжуд бўлганда);
- кабинкалар (биринчи навбатда, имконияти чекланган шахслар учун) хизмат кўрсатаётган ходимни шошилинч чақирув тугмаси билан таъминланган бўлиши керак.

#### **7. Ҳожатхоналарни жиҳозлаш:**

- ҳожатхона кабиналари,
- кўзгули бет-күл ювгич,
- пардоз столи,

- электророзетка,
- ҳожатхона қоғози зарурий захира билан,
- суюқ совунли диспенсер, қоғозли сочиқ/электр сочиқ,
- кийим-кечак учун илмоқлар,
- ахлат учун сават.

## **Мундарижа**

<b>1. Кириш</b>	<b>4</b>
<b>2. Умумий қоидалар</b>	<b>4</b>
<b>3. Жамоат ҳожатхоналарни қуриш учун майдон танлашга бўлган санитар талаблар</b>	<b>6</b>
<b>4. Жамоат ҳожатхоналарни жойлаштириш учун гигиеник талаблар</b>	<b>7</b>
<b>5. Жамоат ҳожатхоналарни санитар-техник жиҳозларига ва санитар-техник асбобларига қўйилган гигиеник талаблар</b>	<b>7</b>
<b>6. Жамоат ҳожатхоналарни қурилишига бўлган санитар талаблар</b>	<b>10</b>
<b>7. Жамоат ҳожатхоналарни сақланиш ҳолатига бўлган гигиеник талаблар</b>	<b>11</b>
<b>1 - илова</b>	<b>12</b>